

Навоийлик йўлсозлар фаолияти



Навоий вилояти худудининг катталиги жихатидан мамлакатимизда Қорақалпоғистон Республикасидан кейинги иккинчи ўринда туради. Мазкур вилоятдан ўтган магистраль йўллар ҳам шу улкан худудга мос келиши аниқ.

Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, Навоий вилояти худудида 3917 км умумий фойдаланувдаги автомобиль йўллари мавжуд бўлиб, шундан 302 км - халқаро, 2490 км - давлат ва 1125 км - маҳаллий аҳамиятдаги автомобиль йўллари.

Яқунга етаётган 2016 йилда "Навоийавтойўл" ХЙФТ (худудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти) тизимидаги корхоналар томонидан вилоят худудидаги халқаро ва давлат аҳамиятидаги 59 км, маҳаллий аҳамиятдаги 31 км йўллар жорий таъмирланди.

Ташкилот томонидан 2013-2016 йиллар давомида қуриб, фойдаланишга топширилган М 37 "Самарқанд-Бухоро-Туркманбоши" автомобил йўлининг 261-километри ва Бухоро шаҳри айланма йўли кесишмасидаги - узунлиги 5 км дан ортиқ бўлган транспорт ечими Бухоро шаҳри кўрқига кўрк қўшиш билан бирга, шаҳар атрофидан ўтган халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўларидаги транспорт воситаларининг хавфсиз ва узлуксиз ҳаракатини таъминлади.

Вилоятдаги шаҳар кўчаларида ҳам қурилиш ва таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда. Хусусан, Ғалаба шохқўчасинининг 3,4 км қисмида, Гулистон-3 массиви орқали ўтувчи 4Н367 автомобиль йўлининг 5-7 километрларида тўлиқ реконструкция ишлари олиб борилди.

"Навоийавтойўл" ХЙФТ директори М.Сувоновнинг маълумотига қараганда, 2016 йилда вилоят худудидаги умумий фойдаланишдаги автомобил йўларида 3 мингга яқин эскириб қолган йўл белгилари янгисига алмаштирилди, йўл четларига 2600 дона йўналтирувчи устунчалар 1530 пм тўсиқлар ўрнатилди, 11 та замонавий типдаги автобекатлар, 3 дона автобус тўхтайдиган майдончалар қурилди, 5 та автобекат тўлиқ таъмирланди.

Бугун йўл инфратузилмасини кўнгилдагидек ривожлантириш учун йўл корхоналари моддий техника базасини ривожлантириш, ишлаб чиқариш базаларини модернизация қилиш, замонавий техника ва технологияларни амалиётга жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис Навоий вилоятида ҳам бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.



Хусусан, Эрон давлатида ишлаб чиқарилган, "AMS-120" маркали, соатига 120 тонна асфальт-бетон қоришмаси тайёрлаш қувватига эга бўлган асфальт-бетон заводининг ишга туширилиши йўлчилар учун катта ютуқ бўлди. Мазкур заводда жорий йилда 2016 йил инвестиция дастури асосида қайта қурилган - "Самарқанд-Бухоро-Туркманбоши" автомобиль йўлининг 116-126 километрлари қисми объектига узлуксиз сифатли маҳсулот етказиб берилди.

Шунингдек, янги завод ишга туширилиши муносабати билан газ ва электр қуввати сарфи камайишига, вақтни тежашга ва энг муҳими, завод ҳудудида хавфсизлик тўлиқ таъминишига эришилди.

Мухтасар қилиб айтганда, бугун Республикамиздаги барча бунёдкорлар қатори Навоийлик йўлсозлар ҳам 2016 йилни муносиб натижалар билан якунламоқда.

"Ўзавтойўл" АК матбуот хизмати